

ҚУРИЛИШ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 03

Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойқадан тозалаш, "Хонақа" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелиоратив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш

« 23 » июн 2022 йил

Термиз ш.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги "Сурхондарё сув қурилиш инвест" ДМ номидан Низом асосида иш юритувчи директор С.Авазов бир томондан, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталади ва "Узунмахуссувпудрат" МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи М.Тўраев иккинчи томондан кейинги ўринларда "Пудратчи" деб аталади, мазкур Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойқадан тозалаш, "Хонақа" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелиоратив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича объектини фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Тарифлар

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

1.2. Қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

1.3. Вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

1.4. Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

1.5. Шартнома нарҳини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойқадан тозалаш, "Хонақа" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелиоратив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2 Қурилишни бошланиши ва қурилишни тугалланиши ишларини бажариш график жадвали ҳамда молиялаштириш графиги билан белгиланади.

2.3 Қурилишнинг бошланиши **2022 йил “23” июн** Қурилишни тугатиб фойдаланишга топшириш муддати **2022 йил “23” август** этиб белгиланди.

2.4. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил “31” декабргача.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги № 684ЎРҚ сонли қонунини асосан Пудратчи корхоналарни Электрон танлов йўли билан аниқлаш комиссиясининг Лот № 103049 га асосан 20 июн 2022 йилдаги баённомаси билан тасдиқланган шартноманинг умумий қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **880 114 953 (Саккиз юз саксон миллион бир юз ўн тўрт минг тўққиз юз эллик үч)** сўмни ҚҚС билан ташкил этади (Шундан: ҚҚС суммаси **114 797 602** **Бир юз ўн тўрт миллион етти юз тўқсон етти минг олти юз икки**).

Шундан 2022 йилда: **880 114 953 (Саккиз юз саксон миллион бир юз ўн тўрт минг тўққиз юз эллик үч)** сўмлик қурилиш - монтаж ишлари бажарилади ва **880 114 953 (Саккиз юз саксон миллион бир юз ўн тўрт минг тўққиз юз эллик үч)** сўм молиялаштирилади;

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узайтирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.2. Барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

4.3. Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

4.4. Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

4.5. Пудратчи, Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

4.6. Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

4.7. Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

4.8. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.9. Қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулквий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб беш кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

5.2. Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.3. Молиялаштириш жадвалига асосан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.4. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

5.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

6.1. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 (Олтмиш) кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорида, аванс ўтказди.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади. (1-2 илова).

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

7.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга

оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади..

8.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитект-қурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи Пудратчи ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддати таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриқлаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.3. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

-Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

-Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитект-қурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима акцепсиз ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

XV. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

15.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ходимлари ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги учун моддий манфаатдор бўлмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли чоралар кўрилишига кафолат беради.

15.2. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар қонуний кучга эга булади. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги ҳақидаги қўшимча келишув шартномаси ушбу шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

15.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби

16.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишиб ҳал этолмаса, низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Термиз туманлараро Иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи, Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«БУЮРТМАЧИ»

«Сурхондарёсувқурилишинвест» ДУК
л/ст 1000 2186 0224 0170 4980 5170 002
Сурхондарё вилоят Ғазначилик бошқар
ИНН: 200 473 879. ОКОНХ: 69000
Ўз.Рес Молия Вазирлиги Ғазначилиги
х/р 2340 2000 3001 0000 1010
МБ ББ ХККМ Тошкент ш.

М.Ў

С.Авазов

корресп: Махмудов М. Махмудов

«ПУДРАТЧИ»

«Узундавсувмахсуспудрат» ДУК
Узун тум Ғ.Махмудов кўч. 34-уй
х/р: 2021 0000 7046 9556 1001
ОАТБ «Агро» банк Узун тум ф-ли
МФО: 00341. ИНН: 206 957 040
М/р 2020 8000 9046 9556 1001

М.Ў

М.Тўраев

2022-йил 21 июлдаги

№ 03 шартномага 1-илова

2022-йилда Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойкадан тозалаш, "Хонака" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелiorатив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш объектда қурилиш монтаж ишларини бажариш
ГРАФИГИ

(Милг сўмда)

Т/Р	Иш турлари ва шартлари	Ҳа бирд.	2022 йил ойлари						ЖАМИ:
			Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	
1	Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойкадан тозалаш, "Хонака" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелiorатив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш	Объект	500 000,000	380 114,953					880 114,953
	ЖАМИ:		500 000,000	380 114,953	0,000	0,000	0,000	0,000	880 114,953

Бююртмачи:

"Сурхондарё сув қудлини инвест"
ДМ директори



С.Авазов

Пудратчи:

"Сурхондарё сув қудлини инвест" МЧЖ
Бондиги



М.Тўраев

Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойкадан тозалаш, "Хонака" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда
мелиоратив коллаторни реконструкция қилиш ва қуриш объектини 2022 йилда молиялаштириш
Г Р А Ф И Г И.

№	Молиялаштириш манбалари ва шартлари	2022 йил ойлари					2022- йил	ЖАМИ:
		Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябрь		
1	30% хажмда буняк	264 034,485					264 034,485	264 034,485
2	70% гача жорий молиялаштириш	616 080,468					616 080,468	616 080,468
	ХАММАСИ:	880 114,953	0,000	0,000	0,000	0,000	880 114,953	880 114,953

(сўмда)



Бююртмачи:
"Сурхондарё сув қурилиш инвест"
ДМ директори

[Signature]
С.Авазов



Пудратчи:
"Узунмахсусвударат" МЧЖ бошлиғи

[Signature]
М.Тўраев



“ТАСЛИКЛАЙМАН”
 Сурхондарё вилоят ҳокими раиси
 Ҳ.Халимов
 2022 йил " " "

“Сурхондарёсуғурчиликшиноса” ДМ бунёдқилинган ирригация объектлари қурилиш, реконструкция қилиш ва қайта таъмирлаш ишларининг
 2022 йил МАЎЗИЛИНИ РЎИХАТИ

(Қос. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашига 2022 йил 9 февралдаги №17-43-34-8-0-К/22-сонли ҳақда 2022 йил 21 апрелдаги №17-49-96-8-0-К/22-сонли ҳақда) 19.05.2022 йилдаги маълумотини Мазкур ҳужжат ўрнатиш.

1	2	3	4	5	6	7	2022 йил учун янгилик қўйилган даражаси				13	14	15	16	17	18	19	
							8	9	10	11								12
Жами капитал қўйималар, жўрмалар			2888,430	2095,836	2095,836	2095,836	3 496,300	3 170,446		325,390	123,350		2888,430	0,0	0,0			
Янгилик бошланувчи																		
реконструкция																		
1. Тоҷикистон Республикаси ҳудудидagi “Ворзоб” дарёдан сув олувчи “Катта хисор” каналидagi гидротехник ишлотини (сўв олувчи) ишлотларни таъмирлаш ишлари	2022-2022 йил		42,536	42,536	42,536	42,536	42,536	42,536	42,536		22,148		42,536	0	0		25.02.2022 й.	28.03.2022 й.
ГТН, дона		13																Механика ХК
2. Тоҷикистон Республикаси “Катта хисор” канални таъмирлаш ишлари “Хонико” дарёдан гидротехник ишлотини ҳамда маишаратив коллекторларини реконструкция қилиш ва қурилиш	2022-2022 йил		74,885	74,885	74,885	74,885	74,885	880,115		74,885	38,403		74,885	0	0		№ 44551 30.05.2022 й.	Дир № 103049 20.06.2022 й.
Канал, км		1,6																“Узуннахус Суғурлар” МТЖ
Коллектор, км		2,8																
ГТН, дона		1																
3. Сурхондарё вилоят Корақалпоғистон Республикаси Тахиташ туманида ажратилган ҳудудларнинг ирригация-меширария тармоқларини қурилиш таъмирлаш	2022-2022 йил						1 400,000	1 300,000			100,000							
4. Корақалпоғистон Республикаси Тахиташ тумани “Найкант” МФЙ да жойлашган Тахиташ сув ҳудудини бўлиш маъмурий биносини капитал таъмирлаш ишлари	2022-2022 йил		1433,894	641,300	641,300	641,300	641,300	533,331		107,969	62,799		1433,894	0	0		№ 34158 25.02.2022 й.	Сурхондарё вилоят ҳокими 07.04.2022 й № 05-01/80 сонли баяни
Маъмурий бино, дона		1																
Тасвирламадаги янгилик							0,464											

Эскизма: “Объект қурилиш ишлари ва кейинги ишлар учун қайта таъмирлаш, қурилиш ишлари учун қайта таъмирлаш (4-умчи) қайта таъмирлаш тармоқларидаги ирригация-меширария тармоқларини қурилиш таъмирлаш ишлари” ДМ
 “Кириткичи” директори
 С.Алиев
 2022 йил " " "

“Келинчида”
 Вилогат мажлиси бонни
 раёсат қарор қилинган
 Ж.Нормуҳамидов
 2022 йил " " "



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH

Sana:30-05-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 44551

Obyekt nomi ««Tojikiston Respublikasi xududidagi "Katta Hisor" kanalini loyqadan tozalash "Xonaqa" daryosidagi gidrotexnik inshootini hamda meliorativ kollektorlarni rekonstruksiya qilish va qurish ishlari» ishchi loyixasi bo'yicha»

Buyurtmachi - "Surxondaryosuvqurilishinvest"DM

Bosh loyihachi - «Salovat sifat loyiha» MCHJ

Litsenziya AL-000780-sonli, 2022 yil 2-martda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Maxalliy byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Erkin tanlov savdo natijalariga ko'ra aniqlanadi

Qurilish turi Qayta qurish

Murojaat raqami: № 42447

1. Loyihalash uchun asos

1. Xalq deputatlari Surxondaryo viloyati kengashining 2022 yil 09-fevraldagi VI-43-24-8-0-K/22 qarori.
2. Buyurtmachi tomonidan 2022 yil 09 fevralda tasdiqlangan loyihalash uchun topshiriq
3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan 2021 yil 22 dekabrda "Surxondaryosuvqurilishinvest"DM tomonidan tasdiqlangan narxlar muvofiqashtirish bayonnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. 1 kitob, umumiy tushuntirish yozuvi.
- 2.2. 2 kitob, smeta hujjatlari.
- 2.3. 3 kitob, qurilishni tashkillashtirish loyihasi.
- 2.4. 4. Chizmalar (bo'ylanma va ko'ndalang) kesimlar.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Taqdim etilgan ishchi loyiha bo'yicha, «Tojikiston Respublikasi xududidagi "Katta Hisor" kanalini loyqadan tozalash "Xonaqa" daryosidagi gidrotexnik inshootini hamda meliorativ kollektorlarni rekonstruksiya qilish va qurish» ishlari rejalashtirilgan, bajarilishi kerak bo'lgan ish xajmlari buyurtmachi va loyixachi ishtirokida xolati ko'zdan kechirilib, ishchi loyiha ishlab chiqilgan.

Ishchi loyihada quyidagi ishlar ko'zda tutigan:

- 1,6 km kanalning (otkos) nishablik qismini to'g'irlash.
- 0,5 km yangi kollektor tarmog'ini qurish.
- 2,3 km mavjud kollektor tarmog'ini tozalash.
- 1 dona gidrotexnik inshootni qayta qurish.

Loyihada "Katta Hisor" kanalining nishab qismlarini to'g'irlash, yangi kollektor tarmog'ini qurish, mavjud kollektor tarmog'ini loyqadan tozalash va 1 dona "Xonaqa" gidrotexnik inshootini qayta qurish ishlari ko'zda tutilgan.

Qayta qurish ishlarini bajarish muddati -2 oy tashkil etadi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Buyurtmachi va Amu-Surxon irrigatsiya tizimlari xavza boshqarmasi tomonidan 2022 yil 09 fevralda tasdiqlangan loyixalash uchun topshiriq.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertizadan o'tkazish jarayonida lokal ekspert xulosalar bo'yicha aniqlangan kamchiliklar va takliflar asosida loyixachi tomonidan ishchi loyixaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritildi:

- resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) narxlar bayonnomasi va prays listlarga muvofiq to'g'irlandi.

- lokal resurs me'yorlarining elementlari aniqlashtirilib, tuzatishlar kiritildi.

6.2. Kurilish narxi sarxisobi

Ishchi loyixaga aniqlangan kamchiliklar va takliflar asosida qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritilgandan so'ng ishchi loyixaning taqdim etilgan qiymati **982 222,619 so'mdan** (QQS bilan)- **17 805,225 ming so'mga** kamaydi va **964 417,394 ming so'mni** tashkil etdi, shu jumladan:

- Qurilish montaj ishlari - 773 047,829 ming so'm.
- Qo'shimcha qiymat solig'i - 115 957,174 ming so'm.
- Buyurtmachining boshqa xarajatlari - 75 412,391 ming so'm.

Ob'ektning smeta qiymatining kamayishi asosan ba'zi materiallar narxlariga va lokal resurs element normalarga aniqlik kiritilganligi natijasida yuzaga keldi.

6.3. Buyurtmachi va bosh loyihachiga, buyurtmachining boshqa xarajatlari miqdorini 4.01.16-09 sonli ShNQ talablariga asosan aniqlansin.

6.4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 sentabrdagi 579-sonli qaroriga 1-ilova, III bob 29-band va SHNK 1.03.06-13da "Davlat ekspertizasiga taqdim etilgan shaharsozlik hujjatlari sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (loyihalash jarayonida taqdim etilgan dastlabki loyihalash ma'lumotlarining ishonchliligi nuqtai nazaridan) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi".

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini xisobga olgan holda "Tojikiston Respublikasi xududidagi "Katta Hisor" kanalini loyqadan tozalash "Xonaqa" daryosidagi gidrotexnik inshootini hamda meliorativ kollektorlarni rekonstruksiya qilish ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya

qilinadi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagi 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

Bosh mutaxassis: MAXMUDOV ISMOIL SOATQUL O'G'LI

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 103049 на приобретение Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналени лойқадан тозалаш, "Хонақа" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелиоратив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш

Способ проведения электронный

Дата 20.06.2022

Время рассмотрения 20.06.2022 12:41

Конкурсная комиссия O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI SURXONDARYO SUV QURILISH INVEST Davlat unitar korxonasi, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	AVAZOV SALIM PANJIYEVICH	Директори	" Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ
Секретарь комиссии	SHAYMANOV BOBUR KARIMOVICH	Бўлим бошлиғи	" Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ
Член комиссии	QULMATOV SHOYMARDON QUSHOQOVICH	Бош мухандис	" Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ
Член комиссии	BAKIROV G'AYRAT ABDUJALILOVICH	Бўлим бошлиғи	" Сурхондарёсувқурилишинвест" ДМ
Член комиссии	XOLBAYEV ABDURASUL YULDASHOVICH	бўлим бошлиғи	Аму-Сурхон ИТХБ
Член комиссии	MINGKABILOV OTABEK MUSURMANOVICH	Бошлиқнинг биринчи ўринбосари	Аму-Сурхон ИТХБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.06.2022 года № лота 103049.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналени лойқадан тозалаш, "Хонақа" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелиоратив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш объектни уз вақтида сифатли қилиб бажариш шарт
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	889 005 003.00
Стартовая сумма	889 005 003.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2 тадан кам бўлмаган цехларнинг мавжудлиги , Ишлаб-чиқариш ва техник бўлим мавжудлиги,

Моддий-техник таъминот хизмати мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	1	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Критерий №2 Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	10	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Критерий №3 Курилиш соҳасида 2 киши микдорида иш стажи камида 5 йилдан кам бўлмаган Курилиш соҳасига оид олий маълумотга эга бўлган раҳбар ходимлари, Иш стажи камида 5 йил бўлган 3 тадан кам бўлмаган дипломли муҳандис-курувчилар (участка бошликлари, иш юритувчи (прораб)лар, усталар (мастер))нинг мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Чет элга чиқиш учун рухсатнома (чет элга чиқиш паспорти) борлиги, 25 тадан 50 кишигача бўлган малакали ишчиларнинг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	30	889000000	15	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	30	30	25	Экспертная		

Критерий №4 Асосий ишлаб чиқариш фонди: 2000 млн.сўмдан 5000 млн. сўмгача (асосий воситалар рўйхати билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	10	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Критерий №5 Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона хисобида (ёки лизинг асосида олинган) 2 тадан 5 тагача қурилиш машиналари ва механизмларининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50 фоизга камайтиради).

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	15	889000000	15	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	15	15	15	Экспертная		

Критерий №6 Охирги 3 йил давомида йиллик ўртача 2000 млн.сўмдан кам бўлмаган бажарилган шартномалар бўйича айланма маблағларининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	10	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Критерий №7 Ўтган йилдаги фойда мавжудлиги: 150 млн.сўмдан 300 млн. сўмгача ва ундан юқори

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО TO`POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	5	Экспертная		
ООО UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Критерий №8 Бир йилда танловга қуйилган ишларга ўхшаш қиймати 1,5 млрд.сўмдан 5,0 млрд.сўмгача бўлган ишларнинг ўз кучи билан бажарилганлиги (шартнома нусхалари, давлат комиссияларининг далолатномалари агар оферент бош пудратчи бўлса ёки субпудратчи сифатида ишлаётган бўлса ҳисоб фактура - маълумоти илова

қилинади)

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO TO'POLANG SARIOSIYO QURIL	15	889000000	7.5	Экспертная		
OOO UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	15	15	15	Экспертная		

Критерий №9 Давлат солиқ идорасидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO TO'POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	10	Экспертная		
OOO UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Критерий №10 Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархини 20 % миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO TO'POLANG SARIOSIYO QURIL	10	889000000	10	Экспертная		
OOO UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	10	10	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
OOO TO'POLANG SARIOSIYO QURIL	889 005 003.00	889 000 000.00	17.06.2022 14:32:42	19.80
OOO UZUNMAXSUSSUVPUDRAT	889 005 003.00	880 114 953.00	17.06.2022 15:31:03	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО TO'POLANG SARIOSIYO QURIL	57.5384	19.80011	77.33851
ООО UZUNMAXSUSVUPUDRAT	76.9232	20	96.9232

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 103049 от 20.06.2022 года на приобретение Тожикистон Республикасидаги "Катта Хисор" каналини лойқадан тозалаш, "Хонақа" дарёсидаги гидротехник иншоотни ҳамда мелиоратив коллекторни реконструкция қилиш ва қуриш определила победителем:

ООО UZUNMAXSUSVUPUDRAT
206957040

и резервный исполнитель: ООО TO'POLANG SARIOSIYO QURIL (304912246)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	AVAZOV SALIM PANJIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	QULMATOV SHOYMARDON QUSHOQOVICH	Согласен	
Член комиссии	BAKIROV G'AYRAT ABDUJALILOVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLBAYEV ABDURASUL YULDASHOVICH	Согласен	
Член комиссии	MINGKABILOV OTABEK MUSURMANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

